



## Савол:

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам душанба куни рўза тутишлари душанба куни тугилганман деб айтганлар хадисига кўра. Шу хакида нима деб ўйласиз?

## Жавоб:

Жуда яхши, ким тугилган кунини нишонламокчи бўлса тугилган чисолосида эмас, тугилган кунида хар хафта рўза тутсин ана шунда дунё ва охиратда фойдали иш килган бўлади. Кани айтингчи расулуллох бу кунда зиёфат беришга чакирдиларми? Ёки очлик ибодатигами? Мени табриклангар дедиларми ёки ибодат килинглар дедиларми?!

Хадисни бир бўлагини олиш инсофдан эмас, расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам бу кунда тугилганман, бу кунда пайгамбар килиб юборилганман, бу кунда менга куръон нозил бўлган, бу кунда амаллар Аллохга кўтарилади деганлар. Демак иллат фактат тугилган кун эмас. Буни яхши фикрланг! Валлоху аълам.

Кимки мен фалон куни (масалан: чоршанба куни) тугилган эканман, мен хам расулуллохга ўхшаб тугилган кунимда рўза тутаман деса хакикий бидъатни килган бўлади. Чунки расулуллох душанба кунда рўза тутишга таргиб килиб унинг фазилатларини айтганлар. Тугилган кунингларда рўза тутинглар деб эмас. Демак тугилган кунида рўза тутган киши ислом буюрган ишни килган бўлади